



O'ZBEKISTON OVOZI

SHU AZIZ
VATAN —
BARCHAMIZNIKI!

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

• 2010-yil • 27-fevral • Shanba • 25 (30.145) • (Tel. Faks) 233-12-56 • 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz www.uzbekistonovozi.uz

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING ФАРМОНИ МОНОПОЛИЯГА ҚАРШИ ИШЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ВА РАҚОБАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Монополияга қарши ишларни тартибга солиш тизимини янада такомиллаштириш, рақобат муҳитини изчил ривожлантириш, табиий монополиялар қорхоналари фаолиятини назорат қилишни кучайтириш ва ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан нархларнинг асоссиз оширилишига йўл қўймаслик, иқтисодий ночор қорхоналарни молиявий соғломлаштириш ишларини фаоллаштириш мақсадида:

- Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси этиб қайта ташкил қилинсин.
- Қўйидагилар Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг асосий вазифалари ҳамда фаолияти йўналишлари этиб белгилансин: монополияга қарши самарали сиёсатни амалга ошириш, монополистик фаолиятни чеклаш тўғрисидаги ва табиий монополиялар ҳақидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилиш; республикада рақобат муҳитини ривожлантириш, товарлар (хизматлар, ишлар) бозорларида, биринчи навбатда ички истеъмол бозорларида ва реклама соҳасида ноинсоф рақобатга чек қўйиш, маҳаллий давлат бошқаруви ва давлат ҳокимияти органлари томонидан ҳўжалик юритувчи субъектларга нисбатан ноқонуний хатти-ҳаракатларга йўл қўймаслик учун ҳуқуқий майдонни янада такомиллаштириш, жамоат тузилмалари билан ҳамкорлик мувофиқлаштирилган ҳолда истеъмолчиларнинг қонуний манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги чора-тадбирларни амалга ошириш; иқтисодий ночор қорхоналарнинг молиявий-иқтисодий ҳолати ва рақобатбардошлигини чуқур таҳлил қилиш, ҳўжалик юритувчи субъектларни таркибий ўзгартириш ва уларнинг банкротлиги соҳасидаги функцияларни амалга ошириш, таркибий ўзгартириш, санация ва банкротлик масалаларини кўриб чиқишда давлат манфаатларини иноқдалаш.
- Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасига қўйидаги ҳуқуқлар берилсин: ўз ваколатлари доирасида давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, ҳўжалик юритувчи субъектларга ва уларнинг мансабдор шахсларига монополияга қарши қонун ҳужжатлари, табиий монополиялар ҳақидаги, банкротлик тўғрисидаги, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги, реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишларини тўхтатиш ёки уларнинг оқибатларини бартараф этиш тўғрисида бажарилиши мажбурий бўлган ёзма кўрсатмалар бериш ҳамда берилган ёзма кўрсатмаларнинг бажарилишини назорат қилиш; даъво ва ариза билан судга мурожаат қилиш, шунингдек, монополияга қарши қонун ҳужжатлари, табиий монополиялар, банкротлик, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг қўлланиши ва бузилиши билан боғлиқ ишларни судда кўриб чиқишда қатнашиш;

Ўзбекистон Республикаси
Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2010 йил 26 февраль

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING ҚАРОРИ ЎЗБЕКISTON ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ ҲУЗУРИДА «ИЖОД» ФОНДИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Халқимиз маънавиятини юксалтириш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида камол топтиришда бадиий адабиётнинг беқиёс ўрни, таъсири ва аҳамиятини инобатга олган ҳолда, адабиётимиз равнақи учун зарур шарт-шароитлар яратиш, ёзувчи ва шоирларнинг ижодий салоҳиятини тўла рўйбга чиқаришга қўмаклашиш ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида:

- Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 30 июлдаги 394-ф-сон фармойишига биноан ташкил этилган Республика комиссиясининг Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Адабиёт фонди негизида Уюшма ҳузуридаги юридик шахс мақомига эга бўлган «Ижод» фондини (кейинги ўринларда — Фонд) ташкил этиш тўғрисидаги тақлифи маъқуллансин.
- Қўйидагилар Фонднинг асосий вазифалари этиб белгилансин: ўзбек адабиётини янада ривожлантириш, бадиий сўз санъати соҳасидаги ютуқларни кенг тарғиб этишга қаратилган дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш учун маблағлар жамғариш ва йўналтириш; Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоларининг самарали ижодий фаолиятини таъминлаш мақсадида улар учун зарур маиший, табиий хизматлар кўрсатиш ва бошқа шарт-шароитлар яратиш; адабиётимиз ривожига муносиб ҳисса қўшган кекса авлодга мансуб Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоларига аниқ йўналтирилган моддий ёрдам кўрсатиш; ижодий кўрик-танловларни ташкил этиш, иқтисодий ёш адибларнинг Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан тавсия этиладиган ижод намуналарини, жумладан, биринчи китобларини нашр этиш учун молиявий ёрдам кўрсатиш; халқимизнинг қадимий тарихи, бой маданияти, асрий аъёна ва қадриятлари тараннум этилган, миллий маънавиятимизнинг мазмун-моҳияти теран бадиий ифодасини толган мумтоз ва замонавий адабиётимиз муносиб намуналарининг хорижий тилларга таржима қилинишини ҳамда Интернетда кенг тарғиб этишни молиялаштириш;

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг моддий-техник базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, унинг тасарруфидаги қўчмас мулкни бошқариш, Фонд маблағларидан Фонд низомида белгиланган вазифаларни амалга оширишда мақсадли ва самарали фойдаланиш.

- Қўйидагилар: Фонднинг Вазирлар Маҳкамаси тарфида 1-иловага мувофиқ; Фонд ижро этувчи дирекциясининг ташкилий тузилмаси 2-иловага мувофиқ маъқуллансин.
- Белгилаб қўйилсинки, Фонднинг ижро этувчи директори Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг тавсиясига биноан Фонднинг Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.
- Фонднинг Вазирлар Маҳкамаси (Ш.Мирзиёев): ҳар йили Фонднинг даромад ва харажатлари истикбол кўрсаткичларини тасдиқлаб борсин; Фонд маблағларидан фойдаланишининг асосий йўналишларини кўриб чиқсин ва маъқуллансин; Фонд олдига қўйилган вазифаларни амалга оширишда манфаатдор давлат, нодавлат ва жамоат ташкилотларини, шунингдек, Фондга ҳомийлик ёрдамини жалб қилсин; Фонднинг ижро этувчи дирекцияси фаолиятини Фонд даромадларининг шакллантирилиши, харажатларининг асослиги ҳамда маблағлардан мақсадли фойдаланилиши юзасидан мунтазам назорат қилиб борилишини таъминласин.
- Қўйидагилар Фонд маблағларини шакллантириш манбалари этиб белгилансин: ноширлик ва матбаа қорхоналарининг босма маҳсулотларини реализация қилишдан, шунингдек, босма маҳсулот-

ларни ишлаб чиқариш ва реализация қилиш билан боғлиқ таҳрир, матбаа ва ноширлик хизматлари кўрсатишдан тушган тушумнинг 2 фоизи миқдоридagi ажратмалар;

- «Дўрмон» ижод уйи кotteжлари ва меҳмонхона хоналарини ижарага беришдан ҳамда Фонднинг вақтинча бўш маблағларини жойлаштиришдан олинган даромадлар;
- Юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик ёрдами; қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.
- Ушбу қарорнинг 4-банди иккинчи абзацда кўрсатилган ажратмалар фойдаланилиши билан солиқ, ягона солиқ тўлови ва давлат мақсадли жамғармалари ҳамда Бюджетдан ташқари мактаб таълими жамғармасига ажратмаларни ҳисоблашда солиққа тортиладиган базани камайитириш билан белгилаб қўйилсин.
- Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг «Дўрмон» ижод уйи ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси поликлиникасини Фонд бошқарувига ўтказиш; Фонд томонидан «Дўрмон» ижод уйидан фойдаланиш дирекцияси» унитар қорхонасини таъсис этиш ва унга бошқариш учун берилаётган мулкдан самарали фойдаланиш вазифасини юклаш тўғрисидаги тақлифларига розилик берилсин.
- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Вазирлар Маҳкамасининг Захира жамғармасидан Фондга унинг айланма маблағларини шакллантириш мақсадида 2010 йилда 100,0 (юз) млн. сўм маблағ ажратишни, шунингдек, зарур бўлган ҳолатларда, кейинги йилларда маблағ ажратиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига тақлиф киритилишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти
Тошкент шаҳри,
2010 йил 26 февраль

И.КАРИМОВ


Сиёсий баҳсга киришиш масъулияти

аввало, электорат манфаатлари билан боғлиқ масалаларни чуқур билиш,
уларни ҳал этишга қаратилган аниқ тақлифларга эга бўлишни талаб этади



Мамлакатимиз Президенти Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида сиёсий партиялар фаолиятини янада кучайтириш, хусусан, партиялар ўртасидаги баҳс-мунозаралар жиддий, малакали ва амалий негизда олиб борилиши лозимлигини алоҳида таъкидлади. Бунга амалда эришиш учун партия фаоллари, матбуоти, депутатлардан нималар талаб этилади?

Кимки қарияга
жой бермаса...



Ҳаяжонли
лаҳзалар



Муносабат

Йиллар
синовига дош
берсин...

✓ Кучамиздан ўтган ариққа битта ўзим ҳўжайинлик қила олмаيمان, чунки у ҳамманки. Бошқалар ҳам шу ариқдан мол-ҳолини, экин-тикинини сугоради. Шунга ўхшаб, чегара билмас дарёлар унинг ҳавзасида яшайдиган барча халқларга Яратган инъом этган бир неъматдир.



«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари тахририятида бўлиб ўтган давра суҳбатида ушбу масалалар муҳокама этилди. ЎзХДП Марказий Кенгаши аъзолари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари Тошкент вилоят, Тошкент шаҳар Кенгашлари депутатлари, бошланғич ташкилотлар етакчилари, партия фаоллари мазкур масала юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Давра суҳбатини Бош муҳаррир Сафар ОСТОНОВ олиб борди.



СИЁСИЙ БАҲСГА КИРИШИШ МАСЪУЛИЯТИ

аввало, электорат манфаатлари билан боғлиқ масалаларни чуқур билиш, уларни ҳал этишга қаратилган аниқ таклифларга эга бўлишни талаб этади



Кимё ШОКИРОВА, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати, шифокор:



Дилбар КОМИЛОВА, ЎзХДП Псков туман кенгаши раиси, халқ депутатлари туман Кенгаши депутати:



Ноила ОДИЛОВА, Тошкент вилояти Эндокринология диспансери бош хамшираси, ЎзХДП бошланғич ташкилоти раиси:



Дамир СИДИҚОВ, халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгаши депутати, Олий Мажлис Сенати аъзоси:



Шарбат АБДУЛЛАЕВА, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раисининг ўринбосари:

ди. Натижада жамоанинг ўн нафар аъзоси сафимизга киришга қарор қилди. Бошланғич ташкилотнинг хурмати орти, партиянинг тарафдорлари кўпайди.

Дамир СИДИҚОВ:

— Тўғри, баҳс-мунозарада дастурий ҳолатимиз муҳимлигини айтиб, одамлар эътиборини торттиришга уринганимиз билан амалий иш кўнгилдагидек бўлмаса, сиёсий курашда ютқазамиз. Сиёсий партиялар билан баҳсга киришар эканмиз, аввало, ижтимоий муҳофазага муҳтож кишилар ҳақ-ҳуқуқлари, манфаатлари ҳимояси йўлида нималар қилишимиз кераклигини аниқ билишимиз зарур. Бунинг учун, ҳар биримиз электоратимизни ўйлантираётган муаммоларни чуқур ўрганиб боришимиз, уларнинг ечими бўйича ҳаётини тақлифларга эга бўлишимиз талаб этилади. Бу борада БПТ билан мустақкам алоқа қилишимиз муҳим аҳамиятга эга. Сабаби, бошланғич ташкилотларимиз етакчилари жойларда одамларни қайси масала кўпроқ ташвишга солаётганини яхши билади. Биз халқни қийнаётган масалаларни ўрганмай туриб, амалий фаолиятни кучайтира олмаيمиз. Сиёсий баҳсга ҳам киришмаймиз. Муқобил таклифлар ҳам айтилмайди. Демак, сиёсий баҳс-мунозарага киришишдан олдин, электорат муаммоларидан чуқур хабардор бўлиш лозим.

Шарбат АБДУЛЛАЕВА:

— Сиёсий партиялар фуқаролик жамиятини шакллантиришда энг асосий куч ҳисобланади. Аммо биз жамият тараққиётига таъсир этувчи мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланмаяпмиз. Партиялар ўртасида бўлаётган баҳс-мунозаралар, биринчидан, изчил эмаслигини тан олмоғимиз керак. Иккинчидан, тортишувларимиз амалий негизда олиб борилмаётгани ҳам бор гап. Партиялар ўртасида асосан гоёвий кураш бўлиши керак. Ўзимиз қайси жиҳатларимиз билан бошқа партиялардан фарқланамиз? Бошқа партияларнинг қайси гоёлари бизнинг электорат манфаатига зид. Ёки ҳаётини эмас.

Шунчаки, номига, юзак баҳс-мунозара ҳеч кимга керак эмас. Рақобат асосли, самарали бўлиши, электорат манфаати, Ватан тараққиёти, халқ фаровонлигига хизмат қилиши зарур. Яъни, тортишув, баҳс-мунозаралар ўзининг ижобий мевасини берсин, одамларга, жамиятга фойдаси тегсин.

Нодир ЖУМАЕВ:

— Ижтимоий соҳадаги қонуларни тизимлаштириш партиямиз, фракциямизнинг асосий вазифаларидан бири бўлиши керак. Бунда, албат-

та, масалага электоратимиз манфаатлари нуктаи назардан ёндашамиз. Бу борада маҳаллий Кенгашлар депутатлари, партиямиз етакчилари, фаоллари, бошланғич ташкилотлари томонидан ўрганилган масалалар, тахлиллар бизга асос бўлиши лозим.

Баҳсга дадил киришиш, енгил чикиш учун аниқ маълумотлар, тахлилий хулосаларга эга бўлишимиз керак. Шунда амалий, жонли, конструктив баҳс бўлади. Ҳар қандай мушарафадан сўзимиз, таклифларимиз ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларнинг манфаатларини янада самарали ҳимоя қилишга беvosита қаратилган бўлиши зарур.

Кимё ШОКИРОВА:

— Маҳаллаларда ХДПнинг аъзолари, бошланғич ташкилотлари мавжуд. Бундан ташқари, маҳаллий партия кенгашлари қошида электорат билан ишлашнинг бетакрор тузилмаси бўлган Жамоатчилик қабулхоналари фаолият кўрсатмоқда. Очиғини айтганда, қабулхоналаримиздан ҳам, бошланғич ташкилотларимиздан ҳам ижтимоий-сиёсий ҳаёт мониторингини олиб борадиган марказлар сифатида етарли фойдаланмаяпмиз.

Баҳодир ВАҲОБОВ:

— Туман, вилоят Кенгашлари депутатлари билан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари орасида ҳамкорлик, алоқани кучайтириш керак. Тажриба алмашишнинг самарали механизми яратилмаган. Шунинг учун ҳам партиямиз тизимида, барча даражадаги депутатлар фаолиятида тарқоклик бор. Бундай шароитда кучли рақобатга киришишнинг ўзи қийин.

Гулчехра КАРИМОВА:

— Сиёсий партиялар ҳақида айтилган танқидий фикрлар айнан бошланғич ташкилотларга қаратилган, деб ҳисоблайман. Бошланғич ташкилот сиёсий кучнинг суянадиган асосий устуни экан, ушбу бўғин ишланмаса, фаолият кўрсатмаса, партия бирон-бир мақсадни амалга ошира олмайд. Туман, шаҳар партия кенгашларини тўғри турадиган, депутатларимизни муаммолардан хабардор этадиган, улар олдида жиддий масалалар қўяди-ки? Аслида бу вазифани биз баҳаришимиз керак эмасми? Ана шунда бошқа сиёсий партиялар билан рақобат ҳам амалий тус олади.

Ноила ОДИЛОВА:

— Мен ҳам шу фикрларни давом эттирмоқчиман. Бошланғич ташкилотларимиз корхона ва идоралар, фуқаролар йиғинларида фаолият кўрсатади. Уларнинг атрофига фаол кишилар бирлашган. Етакчилар аъзоларнинг бошини бириктириб, тегишли ҳудуддаги ижтимо-



Нодир ЖУМАЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси:



Баҳодир ВАҲОБОВ, ЎзХДП Тошкент вилоят кенгаши раиси ўринбосари:



Гулчехра КАРИМОВА, Юнусобод туманидаги Октепа маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси, ЎзХДП бошланғич ташкилоти раиси:



Камолитдин АКРОМОВ, ЎзХДП Собир Раҳимов туман кенгаши раиси:



Абдуманноб РАҲИМОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси:

ий-сиёсий вазият мониторингини олиб бориши зарур. Электоратимизни ташвишга солаётган масалаларни чуқур ўрганиб, уларнинг ечимлари бўйича таклифлар тайёрлаш мақсадга мувофиқ. Мисол учун бир тумандаги барча бошланғич ташкилот шундай фаолият кўрсатса, бу туман партия кенгаши, депутатлик гуруҳи ҳудуддаги умумий аҳволни чуқур тахлил этиб бориши учун асос бўлади. Сессиялар кун тартибига ҳам шундан келиб чиқиб, турли масалаларни киритиш мумкин.

Камолитдин АКРОМОВ:

— Туман партия кенгашларида экспертлар гуруҳлари мавжуд. Бироқ уларнинг фаолиятини изчил йўлга қўя олмаيمиз. Бугун ҳаёт партия кенгашларида аналитик марказлар фаолиятини йўлга қўйишни талаб этмоқда. Ана шунда депутатларимиз фаолиятини кучайтиришга асос бўладиган ҳужжатлар ишлаб чиқамиз. Баҳс-мунозарага киришиш учун бизга айнан шу зарур. Малакали иқтисодчилар, сиёсатшунослар, социолог ва бошқа мутахассислар депутатларимизни доимий равишда услубий, методик материаллар билан таъминлаб туриш тизимига катта эҳтиёж сезилмоқда.

Абдуманноб РАҲИМОВ:

— Яхши депутат, яхши сиёсатчи эртанги кунни кўра олиши керак. Албатта, тахлил, мушоҳадасиз узоқни кўриб бўлмайди. Президентимиз умумий гапдан амалий ишга ўтиш, фаол иш олиб бориш даври келганини таъкидлади. Экспертларимиз талаб даражасида ишланмаса, тахлилий гуруҳларимиз бўлмаса, биз нимага асосан муқобил дастурлар ишлаб чиқамиз? Номига тузилган дастурнинг ҳеч кимга фойдаси йўқ-ку. Демак, биз аввало ҳаётни чуқур ўрганиб, электорат турмушини кузатиб, тахлил қилиб борсақгина давлат идоралари олдида асосли таклифларни қўя оламиз, сиёсий баҳсларимиз амалий бўлади.

Шарбат АБДУЛЛАЕВА:

— Юқорида тўғри таъкидлаб ўтилдики, электоратимизни ташвишга солаётган муаммоларни ўрганишда бизда ўзига хос тажриба бор. Масалан, Жамоатчилик қабулхоналарини олайлик. Қиз у орқали аҳоли муаммоларини яхши билиб оламиз. Аммо бу тузилмада муаммолар фақат ўрганиш ва уларнинг тор доирада ечимини топиш билан чекланиб қоляпти. Демак, қабулхона фаолиятини ривожлантириш, тақомиллаштиришга эътибор қаратишимиз керак. Кўпчилик учун хос бўлган масалаларни маҳаллий Кенгашлар сессияларига олиб чиқиш зарур. Маҳаллий ҳокимликлар-

ни ҳам электоратимиз манфаатларини таъминлашга қаратилган ишлар юзасидан тинч кўймастик керак.

— Депутатлар фаолиятини изчил, самарали, аниқ мақсадга йўналтирилган асосда ташкил этиш вазифаси ҳам долзарб бўлиб турибди. Сабаби, айрим депутатларимиз партия ташкилотлари билан алоқани узиб қўяди. Ҳар бир депутат вақти-вақти билан ўзининг номзодини кўрсатган партия кенгашига ҳисобот бериш тартиби йўлга қўйилса бўлмайди? Партия кенгаши депутатнинг ёки депутатлик гуруҳининг ахборотини эшитиб, уни муҳокама қилиб турса, депутатнинг масъулияти ошадикун!

Абдуманноб РАҲИМОВ:

— Кечаги сайловларда халқ фақат шахсга эмас, партиялар дастурларига қараб номзодларга овоз берди. Демак, депутат партия олдида ҳам масъул. Буни ҳис қилиш, мени халқ сайлади, партия эмас, деган кайфиятдан воз кечиши керак. Партия унинг номзодини кўрсатмаса, қандай сайланар эди?

Баҳодир ВАҲОБОВ:

— Биз депутатликка номзодлар танлаш билан асосан сайлов яқинлашгандагина шуғулланамиз. Партиямизда турли даражадаги депутатликка номзодларни аввалдан тайёрлаш механизми йўқ. Энди, сайланган депутатларимиз тарихий эътибор қаратинг. Бири инженер, бири ўқитувчи, иқтисодчи, яна бири бошқа касб эгаси. Партиявий-сиёсий ишларда уларнинг тажрибаси етарли эмас, албатта. Шунинг учун партия кенгашлари депутатлар ўқувини мунтазам ташкил этиб бориши керак.

Камолитдин АКРОМОВ:

— Партия депутатликка номзодларни кўрсатиш, уларнинг сайланиши учун курашди. Энди депутатлар ўзлари ишласин, деб қараб ўтириш ҳам мутлақо нотўғри. Ҳамжиҳатликда ҳаракат қилинса, мақсадга эришиш мумкин. Депутатларга учрашувлар ўтказиш, қабулларни ташкил қилишда ёрдамлашиш зарур.

Баҳодир ВАҲОБОВ:

— Ҳокимликлар маҳаллий ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини тайёрлайди. Аммо баъзи жойларда партия кенгашлари, депутатлар бундан беҳабар, гўёки алоқаси йўқдек юришади. Аслида, дастур лойиҳасини аввалдан муҳокама қилиш, таклифларимизни унга киритиш механизминини шакллантириб олиш керак. Биз баҳс-мунозара фақат сиёсий партиялар ўртасида бўлиши керак, деб ўйлаймиз. Ички партиявий баҳс ҳам бўлмоғи лозим. Қолаверса, электорат манфаатини ҳимоя қилиб, ҳокимият идоралари билан ҳам баҳс юритишга тўғри келади.

◆◆◆

— Биргина давра суҳбатида масаланинг барча жиҳатларини қамраб олиш қийин, албатта. Аммо бугунги кун талабини ҳаммамиз чуқур англаб етмоғимиз зарур. «Сен менга тегма, мен сенга», деган муросасоз мудроқ даврлар ўтди, энди. Бугун партиямиз чинакам сиёсий кучга айланиши учун ҳар биримиз фаол ва ташаббускор бўлмоғимиз зарур. Мақсадга эришиш — кураш, қатъийликни ва фидойиликни талаб этади. Курашиш — баҳс-мунозара юритиш учун сиёсий билим, ҳаётни, электорат муаммоларини чуқур билиш талаб этилади. Биз бунга қай даражада тайёрмиз? Бу савол устидан ҳар биримиз жиддий ўйлаб, тегишли хулоса чиқариб олмоғимиз лозим.

«Ўзбекистон овози» муҳбирлари Баҳодир ШУКУРОВ, Гулрух ОДАШОВАЕВА ёзиб олди. Абдиров ХАЙДАРОВ олган суратлар.

Муносабат



Йиллар синовига дош берсин...

(Давоми. Боши 1-бетда)

Биз Амударёдан сув ичмасиз. Деҳқончилигимиз шундан. Вилоят иқтисодий соҳадарёдан олинади. Шундай бўлган, унинг қисматиға берафқ қарай олмайдимиз. Бу — биз учун ҳаёт-мамат масаласи.

Шу боис, Тожикистондаги Роғун ГЭСи қурилиши масаласи бизни жиддий ўйлантиради. Нимага десангиз, унинг гигант сув омбори дарёнинг сув оқими миқдори ва тартибини узгартдириб юборади. Бу эса, кескин континентал чўл климида яшаётган бир ярим миллион Қашқадарё ахлининг турмуш шароитини огирлаштиради. Шунинг ҳам сув тақчиллиги сурункали давом этмоқда, бу янада кучайиб, деҳқончиликда янги муаммолар туғдиради.

Бундай дейишимнинг сабаби шуки, мана, ҳозир қиш. Экин суғоришга эҳтиёж йўқ. Мана шундай вазиятда Нурек ГЭСи сув омборига 143 м3/сек сув қуйилмоқда, аммо тўрт баробар кўп, сув ундан чиқаришмоқда. Эртага, ёзда, экинларни суғориш учун сув керак бўлган вақтда бунинг тасқариси бўлади. Бундан биз кўп азият чекамиз. Табиийки, бу магистрал канал насос станциялар каскади техник ҳолати ва иш тартибига ҳам ёмон таъсир қилади.

Бу — масаланинг бир томони. Муҳими, ҳар қандай йирик иншоот нафақат фойдали бўлиши, аввало йиллар

синовига дош бериши керак. Мана шу талаб инобатга олинмаса, у қутилмаган оқибатларни келтириб чиқаради. Саян-Шушенск ГЭСида юз берган техноген талафот бунинг тасдиғидир. Роғун ГЭСида барпо этилиши кўзда тутилган тўғон Саян-Шушенск ГЭСи тўғонидан ҳам баланд. Агар, у қурилса, жуда катта ҳажмдаги сувни ўзида жамлайди. Яна у 10 балли сейсмик ҳудудда ва тиктоник ёриқ тизимда жойлашади.

Қолаверса, лойиха ўтган замондан қолган, унга таяниб иш қириш мумкинми? Шундай бўлган, қим хавотир олмайдими?

Ўзбекистон ҳукумати ва мутахассислари ташвиш билан айтаётган ҳолис фикр-мулоҳазаларга Тожикистон томони нега юзаси қараётгани кишини ўйга толдиради. Ахир гап миллионлаб одамлар хавсизлиги, ҳаммамиз яшаб турган ҳудуддаги экологик ва сув мувозанати ҳақида кета-яптади-ку.

Ҳеч шубҳасиз, Роғун ГЭСи лойихасини халқаро мустақил экспертизадан ўтказиб, кейин қурилиши бошлаш керак эмасми?

Халқимиз катта ишга шошилма дейди. Катта иш кўп куч-қувват, масъулият талаб қилади. Унинг бекаму кўст бўлишидан барча манфаатдор.

Ботир РАҲИМОВ, Аму-Қашқадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиғи.

Хорижда

Жой бермаса жаримага тортилади



Жамоат транспортида ахлоқ меъёрларини бузганлик учун жарима белгилаш тартибини ўз ичига олувчи янги қонун лойиҳаси Украина ҳукумати томонидан Олий радага тақдим этилди.

Ушбу қонун лойиҳасига кўра, дейилади «proUA.com» ахборот портали хабарига, қимки жамоат транспортида ёши улур киши, ҳомилдор аёл, ногирон ёки бола кўтарган йўловчиға жой бермаса солиқ олинмайдиган энг кам маош ҳажмидан ортмаган миқдорда, яъни 5 дан 20 гривнагача жарима жазосига тортилади. Спиртли ичимликдан ёки гйбханд моддадан маст ҳолда жамоат транспортига чиққани учун ёки сигарет чеккани ёйинки баланд овозда мусиқа эшитавтгани учун ҳам жарима жазоси белгиланган. Транспорти ойнасидан ахлат ташлаганлик учун ҳам чора қилинади.

Бугунги кунда Украинада солиқ солинмайдиган энг кам маош 17 гривнаға тенг.

«Денге» безгаги хавф солмоқда

Бразилия Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ажал тарқатувчи касалликларға қарши кураш миллий марказининг ҳисоботларида қайд этилишича, бугунги кунда «Денге» безгаги эпидемияси мамлакатнинг 101 та шаҳри аҳолисига жиддий хавф солмоқда.



Маълумотларға қараганда, дейилади «Новости» АА хабарида, Амазонья Акри, Рондония ва марказий Мату-Гроссе, Мату-Гроссе-ду-Сул ҳамда Гойас штатларида, шунингдек, пойтахт шаҳар Бразилия жойлашган марказий федерал округида эпидемик ҳолат эълон қилинган. Айрим аҳоли манзилларида касаллик даражаси ўтган йилги кўрсаткичдан 4200 фоизға ортиб кетган. Вазиятнинг бу даражада

қалтис тус олишиға кейинги 10 йилда умуман учрамаган безгагининг «ноёб» тури — «Денге-1» вируси сабаб бўлмоқда. Ачинарлиси шуки, ҳозирги ёшларнинг ва катталарнинг организмиде бу вирусга иммунитет йўқ.

«Денге» безгаги ўткир вирусли касаллик бўлиб, «Aedes аегурти» чивиллари касаллик аегурти» чивиллари қўлланганлиги боис мамлакат безгак касаллигидан бутунлай халос бўлган ади. Лекин 80-йилларға келиб инфекция яна пайдо бўлди. У ҳар йили тропик улчаларда яшовчи минглаб одамларнинг умриға зомин бўлади.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатиға!

Сирдарё-Сўх Ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси қошидаги Гидрогеология-мелиоратив экспедицияси

қайта танлов савдоси эълон қилади:

Объект номи:

1.«Фаргона вилояти, Тошлоқ туманидаги «Чегарачи» зовур тизимини таъмирлаш ва тиклаш ишлари (L=40,0 км)» ҚМИГа.

Муддати — 31.12.2010 й.

Бошланғич нархи — 195,313626 млн. сўм.

Сирдарё-Сўх Ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси қошидаги Гидрогеология-мелиоратив экспедицияси

танлов савдолари эълон қилади:

Table with 5 columns: №, Объект номи, Бошланиш муддати, Яқунлаш муддати, 273,122916, 232, 478642, 352,654258, 300,006385, 560,077116, 409,258044, 403,249189, 91,830835, 787,653819

Буюртмачи: Сирдарё –Сўх Ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси қошидаги Гидрогеология-мелиоратив экспедицияси.

Манзили: Фаргона шаҳар, Ал-Фаргоний кўчаси, 72-уй, тел: 224-27-50, 224-27-75

Қурилиш-монтаж ишлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларға мос келишлари керак: ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакаға, объект қийматининг камида 20% миқдориде айланма маблағиға (захирадаги қурилиш материаллари билан бирға) ёки бундай маблағни тақдим қилишға банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларға, ишчи кучи-ресурсларига, шартнома тузишға лаёқатли юридик ҳуқуқиға эға ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов тақлифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборға олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қонунға мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортта етказиб бериладиган танлов тақлифлари қатнашчиларининг танлов тақлифларини баҳолашда қўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобға олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эға бўлиш учун сўранома билан савдо ташкилотчиси — Фаргона вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш худудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:

Фаргона шаҳри, Қ.Раҳимов кўчаси, 2-а уй, Тел (факс): 224-18-71, 224-18-76.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 60 000 сўм. Тақлифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисиға тақдим этишининг охириги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.

Тақлифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 15 кундан кейин юқориде қўрсатилган манзилда ўтказилади.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатиға!

Фаргона вилоят ҳоқимлиги

«Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси

ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Объект номи:

«Кафолат ДАСК (ОАЖ) Кўкон бўлимининг биносини реконструкциялаб суғурта, аудиторлик ва лизинг хизматлари марказига мослаштириш» «ҚМИГа».

Муддати — 1.10.2010 й.

Бошланғич нархи: —1110,182810 млн.сўм ҚҚС билан, — 925,152342 млн.сўм ҚҚСсиз.

Буюртмачи: «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси

Манзили: Фаргона шаҳар, Қ.Раҳимов кўчаси, 2-а. Тел: (373) 224-24-33

Қурилиш ишлари ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

лаштирилади.

Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларға мос келишлари керак: ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакаға, объект қийматининг камида 20% миқдориде айланма маблағиға (захирадаги қурилиш материаллари билан бирға) ёки бундай маблағни тақдим қилишға банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларға, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишға лаёқатли юридик ҳуқуқиға эға ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов тақлифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборға олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортта етказиб бериладиган танлов тақлифлари қатнашчиларининг танлов тақлифларини баҳолашда қўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобға олинади.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатиға!

Бухоро вилоят ҳоқимлиги ҳузуридаги

«Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси

қуйидаги иншоотларни тўлалигича қуриб фойдаланишға топшириш шарти билан пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади:

Table with 5 columns: Т/р, Иншоот номи, Буюртмачининг бошланғич нархи млн.сўм (ҚҚС билан), Буюртмачининг бошланғич нархи млн.сўм (ҚҚС сиз), Қурилиш муддати

Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қуйидаги талабларға мос келишлари керак:

танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридеги айланма маблағиға ёки қўрсатиб ўтилган маблағни беришға банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларға, етарли касбий ва техникавий малакаға, танловға қўйилган объектға ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибасига ва кўникмаларға ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ва ҳуқуқий лаёқатға эға бўлишлари лозим.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов тақлифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборға олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортта етказиб бериладиган танлов тақлифлари қатнашчиларининг танлов тақлифларини баҳолашда қўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобға олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эға бўлиш учун сўранома билан савдо ташкилотчиси — Бухоро вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш худудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:

Бухоро шаҳри, Навоий шоҳжўчаси, 5-уй, 18-хона. Тел: (8-365) 223-96-29, 223-97-51.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 60 000 сўм.

Тақлифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридеги манзилда оферталарни очилиш куну ва вақтигача қабул қилинади.

Тақлифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Бухоро шаҳри, Навоий шоҳжўчаси, 5-уй, 18-хона.

Қурилиш ишлари республика бюджети ҳисобидан молиялаштирилади. Савдо ташкилотчиси — Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш худудий консалтинг маркази. Буюртмачи манзили: Бухоро шаҳри, Навоий шоҳжўчаси, 5-уй (8-365) 223-63-26, факс: 223-63-23.

СПОРТ СПОРТ

Шу кунларда Ванкувер (Канада)да давом этаётган ХХІ қишки Олимпия ўйинлари ҳал қилувчи паллага кирди. Мусобақа дастуридан жой олган трамполин, чана, скелейтон, аёллар ўртасидаги хоккей баҳсларида голиб ва совриндорлар аниқланган бўлса, бошқа турлар бўйича медаллар учун кураш қизгин давом этмоқда.



Ванкувер олимпиадаси:

Ҳаяжонли лаҳзалар

Ҳар тўрт йилда бир маротаба ўтказиладиган бу нуфузли мусобақада Анастасия Гимазетдинова муз устида нафис учиб, Олег Шамаев ҳамда Ксения Григорьева тоғ чангиси турлари бўйича юртимиз шарафини ҳимоя қилишмоқда. Муз устида нафис учиб бўйича қисқа дастурнинг дастлаб саралаш баҳсларида Анастасия Гимазетдинованинг маҳорати ҳакамлар томонидан 49,02 баллга баҳоланди. Ўттиз спортчи ўртасида 24-погонани банд этган вакилимиз финал босқичига йўлланма олди. Медаллар учун курашда Анастасия жами 131,65 балл жамғариб, ўн биринчи натижани қайд этди. Кеча ҳамюртимиз муз устида нафис учиб бўйича эркин дастур бўйича ўз маҳоратини намойиш қилди.

лабки кун Олг 1:32,20 натижани қайд қилган ва 103 спортчи ўртасида 84-погонани эгаллаганди. Иккинчи кунги ҳал қилувчи баҳсларда ҳамюртимиз эришган кўрсаткичи билан 77-ўрндан жой олди. Ванкувер олимпиадаси медалларига эса Карло Янка (Швейцария), Ромед Бауман (Австрия) ҳамда Аксаль Лунд Свидал (Норвегия) лар сазовор бўлди. Яна бир спортчимиз Ксения Григорьева кеча баҳсларга киришди. Эслатиб ўтамиз, ҳозиргача нихоясига етган дастлабки ўн тўрт кунги мусобақалар натижаларига кўра, умумжамоа ҳисобида АҚШ спортчилари пешқадамлик қилишмоқда. Улар ҳисобида 8 та олтин, 11 та кумуш ва 12 та бронза медали бор. Кейинги погоналарни Германия (8-11-7), Канада (8-6-2) ҳамда Норвегия (7-6-6) вакиллари эгаллаб турибди.

Тоғ чангисининг гигант слалом йўналиши бўйича баҳслар қизгин давом этмоқда. Унда ҳамюртларимиз Олег Шамаев ҳамда Ксения Григорьева лар майдонга тушаётир. Мусобақанинг даст-

Ванкувер олимпиадасининг барча голиб ва совриндорлари номи 28 февраль кун маълум бўлади.

Эркин ХОЛБОБО

«Йил аёли» миллий танловининг мутлақ голиби

Суҳбатдошим — Мамлакат Эрматова, 1962 йилда таваллуд топган. Оилали. Уч нафар фарзанднинг онаси. Маълумоти — олий. Жиззах шаҳридаги 6-сон «Ширин» имконияти чекланган болаларни соғломлаштириш муассасасида тарбиячи. Педагогика фанлари номзоди. «Фидокорона хизматлари учун» ордени соҳиби.

Аёл ва жамият



Донгул ЖўРАЕВА олган сурат.

— Йил аёли. Бу, нафақат ном, бу, юксак эҳтиром! Айтинг-чи, нуфузли танловда голиб бўлганингда, кўнглингда нима лар ўтди?

— Очиги, голиб чиқаман деб ўйламаган эдим. Оддийгина бир аёл бўлсам. Ахир, юртимизда оқила, фозила, олима, тадбирли аёллар озмунчами? Билмадим, омадми, ҳаракатми, изланишим, ҳартугул, галаба насиб этди. Интилиш имконга эшик очди, деганлари балки шудир. Аслида миллий танловнинг республика босқичида қатнашган аёлларнинг ҳаммаси голибликка муносиб эди.

— Аёл, она сифатида бугуннинг аёли, таъбир жоиз бўлса, тезкор, шиддатли ХХІ аср аёлни қандай тасаввур қиласиз?

— Аёл зоти азал-азалдан гўзаллик, нафосат, меҳру муҳаббат тимсоли бўлиб келган. Қайси асрда, қандай жамиятда яшашимиздан қатъи назар, оилани оила қилади, қандай ким? Албатта, аёл. Ҳар доим оқила, гўзал аёлларимиз ўзларининг гамҳўрлиги, меҳрибонлиги, қалби дарёлиги, топқирлиги билан оиладаги, қолаверса, бутун жамиятдаги муҳитни муътадиллаштириб, мувозанатни сақлаб келган.

Уйлайманки, неча минг йилликлар синовидан ўтган бу вазифани, залворли маъсулятини авлларимиз зиммасидан ҳали ҳеч ким олиб ташлаган эмас. Бинобарин, бугунги кунда ҳам аёл аввало, оила бекаси, она, миллат келажагини яратувчи, авлодлар бардавомлигини тазминловчи муътабар ва муқаддас зот саналади.

— Юртимизда аёлларга, хотин-қизларга бўлган муносабат,

эйтибор тўғрисида нималар деган бўлардингиз?

— Оддий ўзбек аёли ва бир хонадон бекаси сифатида шуни айтишни истардимки, аёлни эъзозлаш, унга эҳтиром, ҳурмат кўрсатиш ҳалқимизга хос олижаноб, энг улғу хислатлардан биттаси. Инсоният тарихининг гувоҳлик беришича, асрлар давомида ҳар қайси жамиятнинг маданий даражаси, маънавий баркамоллиги, аввало, аёлларга бўлган муносабат билан белгиланган. Аёлларга шарқона эҳтиром ва эъзоз эса биз учун ибратли меросдир.

Оналаримиз, она-сингилларимиз, қизларимизнинг жамиятдаги ўрни ва макени янада ошириш, иззат-икромини жойига қўйиш бизда давлатимизнинг, ҳукуматимизнинг, кенг жамоатчиликнинг асосий вазифаси, деб белгилаб қўйилгани-чи? Оилада, давлат ва жамият қурилишида аёлларнинг ролини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштиришга алоқадор ўнлаб қарорларнинг қабул қилиниши ҳам аслида шундан далolat, чексиз эътиборга гамҳўрлигининг ифодаси эмасми...

— Ўзингиз, жамоангиз ҳақида, фаолиятингиздаги ўзинга хосликлар тўғрисида сўзлаб берсангиз?

— Хунармандлар оиласида дунёга келганман. Отам кўлоб бўлган, лойдан турли-туман ўйинчоқлар, кўғирчоқлар, уй-рўзгор буюмлари ясаган. Отам маҳаллаимизнинг олди чевари эди. Шунданми, болалигимдан кўғирчоқлар ссаҳга, уларга чиройли миллий кийим-кечаклар тикишга иштиёқим баланд. Жамоамизга келсам, у ичмагини. Қирқ нафар тарбиячи ва энага эл-

лик олти нафар болага таълим-тарбия бериш билан шуғулланамиз. Шароитларимиз ёмон эмас. Каттик ва юмшоқ жиҳозларимиз, ўқув куроллари ва қўлланмаларимиз, ўйинчоқларимиз етарли. Ютуқларимиз ҳам бор, камчиликларимиз ҳам йўқ эмас. Фаолиятимизнинг ўзига хос томонлари ҳақида гапирадиган бўлсам, муассасамиз махсус мактабгача таълим муассасаси бўлгани учун биз асосан нутқида нуқсонли бор болалар билан ишлаймиз. Бу эса ҳар қайси тарбиячи ва энага зиммасига ўзига хос маъсулият юклайди. Айтилик, бола яхши гапиролмаяпти, лекин соғлом. Нима қилиш керак? Албатта, унинг нутқидаги нуқсонларни йўқотиш йўллари топиш зарур. Қандай қилиб, дейсизми? Аввало, боланинг онгига, тафаккурига таъсир ўтказиш орқали бу ишининг удрасидан чиқса бўлади. Шунинг учун ҳам ишимизга иходий ёндашиб, биринчи навбатда, боланинг кўнглига йўл қидираймиз. Бу борада биз кўпроқ кўғирчоқ ва ўйинчоқларга таяниб иш тутамиз. Чунки бола дунёни, борлиқни кўғирчоқ ва ўйинчоқлар орқали танийди, идрок этади. Бундай восита уларнинг нутқидаги нуқсонларни бартараф этишда ҳам кўл келади.

— Бу йил юртимизда Баркамол авлод йили деб эълон қилинди. Она, аёл, мураббий сифатида ёш авлодни чинакам баркамол инсонлар қилиб воғга етказишда кўпроқ нималарга эътибор қаратиш зарур, деб ҳисоблайсиз?

— Мамлакатимиз учун салоҳиятли, иқтидорли ёшлар сув билан ҳаводай зарур. Ҳўш, бундай ёшлар қаерда ва қандай тарбияланади? Назаримда, биринчи навбатда оилада, сўнг болалар боғчалари, мактаблар, академик лицейлар ва касб-хунар коллежларида. Шундай экан, ҳар қайси ота-она ўз фарзандидидаги қобилият ва иқтидорни қанча тез ва барвақт илғаб олса, ана шу иқтидор қобилиятни ҳар томонлама камол топтириш учун ҳаракат қилса, шунча яхши! Бу борада болалар боғчалари, умумтаълим мактабларининг ўқитувчи-мураббийлари уларга яқиндан ёрдам бериши керак. Демакки, бола тарбиясида «Оила-боғча-мактаб-маҳалла» ҳамкорлиги жуда-жуда зарур, ҳаттоки, ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бу менинг болам, буниси эса бегона, ўзимникини эпласам бўлди, ўзганики билан нима ишим бор, деган тушунчадан йироқ бўлсам, дейман.

Байрам арафасида турибмиз. Фурсатдан фойдаланиб, офтоб қалбли, ой юзли аёлларимизни, дилбар қизларимизни, мунис оналаримизни бахт ва баҳор айёми билан самимий муборакбод этаман.

Суҳбатдош: Иброҳим ЖОНЎЗҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Суратда: «Йил аёли» республика миллий танлови мутлақ голиби Мамлакат Эрматова.



Баҳайбат ҳайвоннинг бош суяги топилди

Наманган давлат университети тадқиқотчиларининг дастлабки хулосаларига кўра, ерости йўлининг ён девори гиштлари ХVIII асрга, арқига ишлатилган конуссимон гишлар эса ХVI асрга тааллуқли.

Баҳайбат жонзотнинг бош суяги Наманган ўлкаси ўрғаниш музейида келтирилди, музей ходимлари ва НамДУ олимлари томонидан ўрғанила бошланди. Таҳлил ва экспертизадан сўнг бир тўхтамага келинди.

Маълум бўлишича, янги топилган бош суяги индрикотерийга тегишли бўлиб, бу жонзотнинг баландлиги беш метрга етган. Геохронология илими ҳисоб-китобига кўра, 600 минг йилдан уярим миллион йилгача олдинги замонда яшаган индрикотерийлар ер қурраидаги энг йирик сутемизуви махлуқлардан ҳисобланган. Эволюцион нуктаи назардан индрикотерийлар каркидонларнинг энг қадимий авлоди.

Ут-ўлан ва дарахт шохлари билан озиқланганлигидан маълум бўладики, бундан 600 минг — 3,5 миллион йил бурун ҳам Наманган ҳудуди дашт бўлмаган. Чуст туманида Каркидон номли катта қишлоқ борлиги ва бу ерлик пичқосазлар пичқосаз тасини муғуз-каркидон сўягидан тайёрлашгани катта бир тарих тилсимига қалит бўлса ажабмас.

Носиржон ДЕХҲОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Ислоҳот одимлари

Малакали кадр — келажак пойдевори

Кўҳна Гиштли қишлоғида қад ростлаган Гиждувон иқтисодиёт касб-хунар коллежи қишлоқ кўркига кўрк бўлиб қолмай, ёшлар талпинган тарбия маскани ҳамдир.



— Бизда 7 йўналиш бўйича касб-хунар ўргатилади, — дейди коллеж директори Аскар Очилов. — Хусусан, банк иши, молия, бухгалтерия ва аудит, менежмент, маркетинг соҳасини эгаллашга қишлоқ ёшларининг қизиқиши катта. Айни пайтда 920 нафар ўқувчи бу соҳалар бўйича малака ва кўникмага эга бўлишмоқда.

Билимимизни янада мустаҳкамлаб оламиз. Президентимизнинг «Юксак маънавият — энгилмас куч» асарига Ватанимиз келажаги, халқимизнинг эртанги кунни бугун биз тарбиялаётган ёшлар униб-улғайиб, қандай инсонлар бўлиб ҳаётга кириб боришига боғлиқ, — деб таъкидланган. — Жамоамиз бундай маъсулиятни ҳис этиб, ёшларга ўзлари танлаган касблари бўйича билим бермоқда, — дейди коллеж ўқитувчиси Зоир Одинаев. «Маънавият сабоқлари» дарсларида ёшларга баркамол авлод — юрт таяничи, келажак пойдевори эканлигини алоҳида тушунириб бораемиз. Энг муҳими, ёшлар билимга ўч, сергайрат ва ҳаракатчан. Ўзи танлаган соҳага ихлоси баланд. Касб сир-асрорларини яхши билади. Шу боис коллежни битирётган ёшларга бўлган талаб кун сайин ортмоқда.

Дарвоқе, бултур коллежни битирган юзга яқин мутахассис туман иқтисодиётини ривожлантириш йўлида меҳнат қилмоқда. Ана шундай малакали кадрлар етиштириб бераётгани учун коллеж нуфузи ошиб бормоқда.

Даврон БАҲРОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Тошкент шаҳар, Сергели туманидаги MONI BARAKA TRANS МЧЖ Устав фонди 360 миллиондан 128 млн. 4 минг сўмга камайтирилганлигини МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.

Орамизда турфа инсонларни учратиш мумкин. Кимдир ўзининг хайрли ва савобли ишлари билан эл орасида обрў-эътибор топса, баъзи бирлар қинғирлиги билан «ном» чиқаради, шаънини ёмон ишлари билан бадном қилади.

Шўрчилик Тошпўлат Рўзиев ва Аҳмеджон Номозовлар яхшилик билан от чиқарилади. Тоғни урса талкон қиладиган Тошпўлат бир эмас, тўрт марта жинойи жавобгарликка тортилган бўлса, қирчиллама қирқ ёшни қаршилаган Аҳмеджон икки марта судланган. Улар айни фарзандларга ўрнатилган, оталик бурчини бажариш ёшида. Аммо...

Аҳмеджон Шўрчи тумани марказидаги «Автошохбөк»да Тошпўлатни учратиб қолади. Ундан истеъмол учун гиёҳвандлик моддаси топиб беришни сўрайди. «Пул бўлса, чангалда шўрва», нақлига амал қилган таниши бунга рози бўлади.

Бироз вақтдан сўнг Тошпўлат Аҳмеджондан икки пакет героин гиёҳвандлик воситаси сотиб олади. Тошпўлат аслида пулга ўч ўрам «заҳри қотил» олган бўлса-да, бирини ўз истеъмоли учун олиб қолади.

Улар Шўрчи туман маркази томон йўл олади. Аҳмеджон бу балодан қутулиш кераклигини айтади. Тошпўлат эса унга «маслаҳат» беради: героин ўрнида опий гиёҳвандлик моддаси истеъмоли қилинса, ундан буткул халос бўлиш мумкин, — дейди.

«Демак, опий қабул қилса, героиндан қутулиш мумкин экан» — Аҳмеджоннинг шу тобда сўзлари қакшар, «курғур» хумор қиларди. У шериғидан опийнинг зўридан топиб беришни талаб қилди. Анча тортишувдан кейин ҳар бир ўрам «ажал уруги» 4 минг сўм бўлиши келишилди. Туманининг «Ободон» маҳалласида мушқули осонлашган гу-машталар яна шаҳарга йўл олди.

Йўл-йўлақай Шўрчи туман тиббиёт бирлашмаси ёнидаги дорихонадан иккита шприц, икки дона димидрол ампуласи харид қилишди. Сўнгра ўзларига «қадрдон» бўлган истирожид боғидаги ташландик клубга бурилишди.

Улар оғуни истеъмоли қилишга улгурмади. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш ходимлари Тошпўлат Рўзиевдан 0,45 грамм героин гиёҳвандлик воситаси ва Аҳмеджон Номозовдан эса жами 1,16 грамм опийни ҳужжатлаштириб олди.

Суд-наркология экспертизасининг хулосасига кўра, оғуға гирифторм шприклар гиёҳвандлик хас-

Гиёҳвандлик — иллат



Оғу чангалидаги ҳамтовоқлар

таллига чалинганлиги аниқланди.

Ўз вақтидаги талай авфлардан ҳам тўғри хулоса чиқарамаган Тошпўлат Рўзиев суд ҳукми билан ўч йилу бир ой муддатга озодликдан маҳрум этилди ҳамда хавфли рецидивист деб топилди.

Жиноят кодексининг 276-модда, 2-қисми «а», «б» бандлари билан айбдор деб топилган Аҳмеджон Номозов эса энди беш йиллик умрини қаттиқ тартибли колонияларда ўтказишга мажбур...

Соғлом турмуш, тотув оила қадрини билмаган одам, юқоридаги каби, аянчли аҳвол тушади. Қаранг, улар сизу бизнинг кўз ўнгимизда гиёҳвандлик дардиға мубтало бўлган. Қўни-қўшни, маҳалла, ота-она, ака-ука, ёру биродарлар бефарқлиги, лоқайлиги туфайли шундай нохуш ҳоллар содир бўлади. Кимнингдир фарзанди, кимнингдир турмуш ўртоғи шу қўйға тушмаслиги учун бефарқ бўлмаслигини керак. Адашганлар тўғри йўлни топиб олишға кўмаклашиш ҳам савоб. Инсон ва жамият ҳаёти учун зарарли бундай ҳолатларнинг олдини олишға ҳаракат қилиш ҳар биримизнинг бурчимиз.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Table with subscription information including names like BOSH MUHARRIR: SAFAR OSTONOV, TAHRIR HAY'ATI: ABDULLA ORIPOV, MUASSIS: O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI, and various contact details.